№44 (322)
2002 йил 30 октябрь
чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа боплаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

саҳифада

2
* Болаларимиз соғу саломат бўлиши учун
* Футболда муҳими - ғалаба!

3
* Сарвиназнинг саргузаштлари
* Чорраҳа баҳона бўлиб...

4
* Саёҳат заҳматида тобланган олим.
* Муҳр босишни биласизми, оқсоқол?

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

29 октябр. Будапешт. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифининг учинчи куни ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга мазкур ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар бунга янада кенг йўл очди. Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга чақирди. Зеро, хорижий сармоядорларнинг самарали фаолияти учун юртимизда барча ҳуқуқий ва амалий шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан венгриялик ишбилармонлар ҳам тўла фойдаланиши мумкин. Ислом Каримовнинг Будапешт шаҳри мэри Габор Демски билан суҳбатида икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Будапешт Европанинг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Шаҳарсозлик борасида венгрияликлар эришган ютуқлар Будапешт шаҳрида ўз ифодасини топган. Шаҳар саноати ҳам анча тараққий этган. Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Республикаси Бош вазири Петер Меддьеши билан суҳбатида ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди. Президентимиз шу куни Қироллик саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди, Венгрия Миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди. Шунинг билан Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида

Мамлакатда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш; болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

(Давоми 2-бетда)

Хабарлар РУКН

Юракдан юракка

АН-12 юк самолёти Урганч халқаро аэропортига жадвалдан ташқари вақтда қўнди. Махсус чартер рейс билан 20 дан ортиқ контейнерда инсонпарварлик ёрдами олиб келинди. Ундаги 7 тонна дори-дармонлар ва умумий қиймати 1 миллион 350 минг АҚШ долларига тенг ускуналар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси даволаш муассасалари учун мўлжалланган.

Бундай кенг кўламли тадбир «Heart to heart» / »Юракдан юракка»/ халқаро инсонпарварлик ташкилоти томонидан Америка оилавий шифокорлар академияси, АҚШ Давлат департаменти ва Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида амалга оширилмоқда.

- Бундай мурувват ёрдами мамлакатингизнинг бошқа ҳудудларига ҳам етказилмоқда,- деди «Heart to heart» президенти Гарри Морш. - «Қалб шифокорлари» деб аталувчи ва ташкилотимизнинг 10 йиллигига бағишланган лойиҳани бошлашдан олдин Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан маслаҳатлашдик ҳамда маҳаллий шифохоналар учун энг зарур дори-дармонлар ва бошқа даволаш воситаларини аниқладик. Оролбўйи минтақасида юзага келган экологик вазиятни ҳам инобатга олишга ҳаракат қилдик.

Т.ШАМАКОВ, (ЎзА)

ҲОВУЗЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Бухорода кўҳна ҳовузларни тиклаш бошланди.

Энг аввал Жўйбори Колон меъморий мажмуидаги Ҳовузи нав тикланди. Яқин кунларда Хўжа Колон масчити, Аълам ва Говкушон мадрасалари, Олимжон карвонсаройи, шунингдек Намозгоҳ масчитларини ўз ичига олган Говкушон меъморий мажмуидаги ҳовуз топширилади. Ҳовузларни «20-трест» АЖга қарашли 7-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари амалга оширишмоқда.

«Туркистон-пресс», Бухоро вилояти.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига

Айтишларича, икки минг йилларча аввал Шаҳрисабзга келган Искандар Зулқарнайн бу гўзал масканнинг об-ҳавоси, боғ-роғлари, дарёю кўлларига боқиб: «Шу ерда ажойиб ва катта шаҳар қуриб яшасанг, минг йил умр кўрар экансан» деган экан.

ШАРҚНИНГ ГЎЗАЛ МЎЪЖИЗАСИ

Шаҳрисабз Амир Темур даврида янада гуллаб яшнади. Оқсаройга ўхшаш гўзал иморатлар қад кўтарди. 1404 йили Испания қиролининг элчиси Гонзалес де Клавихо Шаҳрисабз билан танишиб, ўз эсдаликларида: «Парижликлар санъатни севувчи халқ. Агар Оқсаройда намоён бўлган гўзалликни кўришганда, улар шаксиз унга мафтун бўлар эдилар», дея ёзган. Оқсаройнинг чор атрофи икки қаватли ҳашаматли бинолар, маҳкамалар, идоралар, кутубхоналар билан безанган. Сарой томидаги ҳовузлар, фаввораларга Тахтақорача довонидан қувурлар орқали сув олиб келинганлигини бир тасаввур қилинг-а.

Душманлар Оқсаройга ҳамиша ҳавас билан эмас, ҳасад билан боқдилар, аямай тўпга тутдилар. Бизнинг давримизгача унинг бир бўлаги қолган, холос.

Оқсаройни таъмирлаш ишларида бугун Бухоро, Самарқанд-у Қўқоннинг моҳир усталари, наққошу ҳунармандлари қатнашмоқда.

- Биз Шаҳрисабзга келишдан олдин кўҳна тарихимизни, қадимий урф-одатларимизни синчиклаб ўргандик, - дейди қўқонлик уста Баҳром Усмонов. - Жуда улуғ бобокалонлар, жаҳонни лол қолдирган уста ва устазодалар ишлаган жойда - уларнинг панжа изларига қўл уришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Қадимий биноларни тиклаш ишларида жуда кўп қатнашганмиз. Бироқ Оқсаройдек улуғвор ва ҳашаматли бинонинг асл қолатини кўз ўнгингизга келтирсангиз ота-боболаримизнинг нималарга қодир бўлганликларини дилдан ҳис этасиз, шубҳасиз. Шунча вақт ўтишига қарамай обиданинг олтин суви югуртирилган бетакрор безаклари ҳали ҳам ўз ҳолича турибди.

- Шаҳримиздаги тарихий обидалар халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳимояланаётганлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари Нафас Холдоров. - Юбилей муносабати билан шаҳримизда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Шаҳардаги Амир Темур хиёбони ва болалар истироҳат боғини ободонлаштириш ҳамда таъмирлаш ишларига ҳомийларимиз томонидан маблағ сарфланмоқда. Шаҳардаги ичимлик суви тармоқларини яхшилаш, аҳолини табиий газ билан тўлиқ таъминлашни йўлга қўйиш борасида ҳам амалий ишларга киришилди. Амир Темур хиёбонида 1008 ўринли замонавий амфитеатр қурилиши ҳам поёнига етказилмоқда. Байрамга тайёргарлик жараёнида янги уйлар қуриш, ички йўлларни таъмирлашни амалга ошириш ҳам асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шаҳрисабз минтақасида 12 километр масофадаги йўл қайта тикланди. Бу юмушларни амалга оширишда «Шаҳрисабзободон» корхонаси моҳир ишчилари бутун куч ва замонавий механизмларни ишга сафарбар этишган. Бу борада асфальт ва бетон заводи, туман автомобил йўллари қурилиш бошқармасининг жамоалари самарали меҳнат қилаяптилар.

Юбилей кунигача яна бир неча километр йўлга асфальт ётқизилади. Бу ишларнинг ҳаммасида «Қашқадарёавтойўл» бирлашмасининг тажрибали мутахассислари бош-қош. Ҳа, шарқнинг гўзал мўъжизаси - Шаҳрисабз бугун ўз кўрки, жамолини бутун дунёга яна бир бор кўз-кўз этишга ҳозирлик кўрмоқда. Юбилейга ташриф буюрган ҳар бир хорижлик меҳмон тарихимиз, ота-боболаримиз ақл-заковатига лол қолиш билан бирга, бу ерда бугун амалга оширилган ишларни кўриб мустақил Ўзбекистоннинг улкан қудрати, буюк келажагига ишонч ҳосил этиши шубҳасиз.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

РУКН Фондлар ҳамкорлиги

МУНИЦИПАЛ ТУЗИЛМАСИ ВА МАҲАЛЛА

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг иш фаолияти ҳатто мақсаду режалари энди бизга янгилик эмас. Маҳаллалар ҳаётидаги замонавий кўринишлар - ислоҳотларга кўникдик. Юртимизга меҳмон бўлган хорижликлар ҳам ўзбек маҳаллаларидаги турмуш тарзига юқори баҳо беришмоқда.

1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси»нинг 3-моддасида шундай тушунча берилган: **«Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариш ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади...»**

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Самарқанд» конференцзалида ўтказилган «Германиянинг янги федерал ерларидаги номарказлаштириш модели Ўзбекистон учун намуна бўла оламиди??? мавзусидаги семинарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Германиядаги кўринишлари ва маҳаллаларимиз қиёсан олиб қаралди. Давра сўзи атрофига ташкилотчи - Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё давлатлари бўйича мухтор вакили Томас Кунце, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Мартин Хеккер, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони консультанти, политолог Лазиз Тангриев, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси А.Ғадойбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш академияси ходими, политолог М.Қирғизбоев, Германиянинг Лейпциг шаҳри Обербургомистри, шаҳар кенгаши бюроси раҳбари Гвидо Шёнебомлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ишига оид ислоҳотлар ва имкониятлар хусусида сўзлашишди.

Ўз мухбиримиз.

Фармон ва ҳаёт

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ — БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Бугун биз озод юрт фуқароси, эркинлик ва ҳурлик тамойили асосида ривожланаётган жамиятнинг аъзоси сифатида кўп улуғ, ёруғ мақсадларни кўзлаганмиз ва уларга етишиш орзусида фаол ҳаракат қилаётган жамиятда яшамоқдамиз. Бугунги барча интилишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз ана шу орзу-ниятларнинг ушалишига қаратилган. Теран англамоқдамизки, бугун кўз ўнгимизда улғаятган ёш авлод бизнинг барча эзгу амалларимизнинг давомчилари бўлажак, ёшлар тарбиясига қаратилган эътибор ва ғамхўрликларимизнинг келажакдаги меваси тотли бўлади.

(Давоми 2-бетда)

РУКН "Mahalla"нинг футбол гузари

бўлган футболчилар ўртасида Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган қитъа чемпионатида ўсмирларимиз муваффақи-

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА НАКД

Ишқибозларни ёш болага қиёслаш мумкин бўлса керак. Севимли жамоаси ғалаба қозонгани ҳамоноқ аввалги мағлубиятларнинг алами узоқ-узоқларга чекинади.

Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг дастлабки босқичдан кейиноқ уйга қайтишга мажбур бўлганидан ўксиниб юрган эдик. Аммо кўнглимизга чироқ ёқишга арзигулик воқеалар тез орада тушкунликни бир четга суриб қўйди.

Аввалига 17 ёшгача ятли иштирок этишди. Чорак финалда мезбонлар устидан қозонилган йирик ғалаба ўзбек футболининг ёш ниҳоллари бўй чўзаётганидан дарак бергандек бўлди.

Тўғри, Рауф Инилеев мураббийлик қилган командамиз охир-оқибат тўртинчи ўрин билан кифояланишига тўғри келди. Ўша жамоанинг тўпурар ҳужумчиси Марат Бикмаев орадан кўп вақт ўтмай Тошкентнинг "Пахтакор" командаси таркибида Осиё чемпионлар лигаси учрашувида майдонга тушди.

(Давоми 2-бетда)

- Яна нима дейди?
-Футболчиларимиз чемпион бўлмоқчи, - дейди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими:
136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ХАЛҚАРО ХАБЕР

БРАЗИЛИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Куни кеча Бразилияда президент сайловининг якуний давраси бўлиб ўтди. Унда жами 85,6 миллиондан ортиқ сайловчи иштирок этди. Меҳнаткашлар партияси вакили Луис Инасиу Лула да Силва рақибини ортда қолдириб, энг кўп овоз олишга муваффақ бўлди.

Сайлов жараёнини кузатган халқаро ҳамжамият вакиллари унинг яхши ташкиллаштирилганини таъкидламоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида олти мингга яқин сайлов участкасига 40 мингдан ортиқ электрон сават тарқатилган. Бундан ташқари, сайловчилар ўртасида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатлар, келишмовчиликларни олдини олиш учун минглаб тартиб посбонлари сайлов ҳудудларини назорат остига олди.

Сайлов натижасига кўра овоз берганларнинг 61,3 фоизи Лулу да Силвани қўллаб-қувватлаган. Иккинчи номзод Жозе Серра амалдаги ҳукумат партияси - Социал-демократлар вакили эди. 38,6 фоиз аҳоли унга хайрихоҳлик билдирди. Жозе Серра мағлубиятини тан олиб, янги президентга омад тилади.

Халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, Бразилиянинг янги президентига давлатга раҳбарлик қилиш осон кечмайди. Гап шундаки, мамлакатнинг 260 миллиард АҚШ долларига тенг ташқи қарзи бор. Бу Бразилия ялпи ички маҳсулотининг ярми демакдир.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида

(Давоми.Боши 1-бетда)

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

ҳудуд аҳолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Қуйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети /республика ва маҳаллий бюджетлар/ маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган бепул ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга;

унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъиян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари /божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно/ ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан озод қилинади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига кенг миқёсда кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Васийлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмирлар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсинлар, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийлари ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланишини, шу жумладан реклама қилинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 октябрь

БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ — БУЮК КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

(Давоми. Аввали 1-бетда.)

Ёш авлоднинг баркамол тарбияси тараққиёт омили экани жаҳондаги ривожланган давлатлар мисолида бизга яхши аён. Шу нуқтаи назардан мустақиллигимизнинг илк дамлариданоқ Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг бу мақсадга алоҳида диққат-эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Қолаверса, нафақат давлат, жамият миқёсида, ҳатто оддий бир оила мисолида ҳам кўриш мумкин - оила аъзоларининг асосий эътибори фарзандлари тарбиясига қаратилади. Айниқса, бизнинг оилаларда бу эътибор жуда салмоқли. Ахир ота-она бор-ки, фарзандининг соғу саломат, ҳар жиҳатдан бекаму кўст улғайишини, тафаккур чўққиларини забт этишини хоҳлайди ва бунга шароит яратишга чоғланади.

Мустақиллик йилларида юртимиз ёшларининг маънавий ва жисмоний тарбияси давлатимиз ички сиёсатининг муҳим масаласи даражасига кўтарилди.

Бугунги кунда юртимизда бу йўналишда катта ислоҳотлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Президентимизнинг Фармони қабул қилинди. Бу Фармоннинг ижроси Ўзбекистон ёшлари, болалари тарбиясидаги, улар камолоти йўлидаги фаолиятимизда катта ижобий йўналишларни ясайди, албатта. Ушбу жамғарма тузилгач, у халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатади. Энг муҳими, юртимиз болалари ўртасида спортнинг барча турларини ривожлантириш билан бирга уларнинг жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали инсон бўлиб шаклланишларида тузилажак жамғарма фаолияти жуда аҳамиятлидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан бир

неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» футбол турнири, айни кунларда ўтказилаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» кураш турнирлари маҳалла ўспирин ёшлари, ҳаттоки кичик ёшдаги болаларида катта қизиқиш уйғотмоқда, спортнинг маҳаллаларда оммалашувига хизмат қилмоқда. Биргина «Футболимиз келажаги» футбол турнирида бу йил бир миллиондан ортиқ маҳалла болалар қатнашдилар. Яқинда «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақалари ҳам якунига етиб, спортнинг кураш тури бўйича маҳаллараро ғолиблар аниқланади. Бундан ташқари, юртимиздаги маҳаллаларарo шахмат-шашка баҳслари ўтказилиб келиняпти. Энди эса бу тадбирларни янада кенг кўламда авж олдириш учун имконият яратилди. Шак-шубҳасиз, Президентимизнинг мазкур фармони барча йўналишдаги спорт тадбирларининг анъанавий тарзда кенг қамровли, оммавий ташкил этилишига хизмат қилади.

Мавлуда ҚОСИМОВА

РУКН "Mahalla"нинг футбол гузари

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА НАКД

(Давоми.Аввали 1-бетда.)

Мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпиони Фарғонанинг "Нефтчи" клуби қитъанинг клублар ўртасидаги энг нуфузли мусобақасини учинчи босқичдан бошлади. Яманнинг "Аҳли Сана" клуби бизникиларга қаршилик кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, маҳорат бобида ўзбекистонликлар устун экани яққол кўриниб қолди. Меҳмонда 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб қайтган Юрий Саркисян шогирдлари ўз майдонларида хотиржамлик билан ҳаракат қилиб, жавобсиз олтита гол киритишди. Эндиги рақиб Эрон терма жамоаси аъзоларининг кўпчилигини ўз сафига жамлаган "Истиқлол" командаси билан ҳам муносиб баҳс олиб борилишига умид бор.

"Пахтакор" Осиё чемпионлар лигаси учинчи босқичининг биринчи учрашувида Доҳада Қатарнинг энг кучли клуби "Ал Иттиҳод"дан 3:4 ҳисобида енгилиб қайтган эди. Тошкентда эса ҳужумчилар "Ал Иттиҳод" дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллашди. Саудия Арабистонининг "Ал Аҳли" клубини икки ўйин якунида енгган Дубайнинг "Ал Аҳли" командаси пахтакорчиларнинг навбатдаги рақиби бўлади. Чемпионлар лигасида навбатдаги босқич учрашувлари ноябрда ўтказилади.

"Пахтакор"нинг асосий таркибидан ўрин олиб улгурган дарвозабон Игнатий Нестеров, ҳужумчи Александр Гейнрих, тошкентлик ишқибозлар ҳурматига сазовор бўлиб келаётган Элдор Магдиев ушбу учрашувда ўз командаларига ёрдам бера олмаслиги аввалдан маълум эди. Чунки улар Қатар пойтахти Доҳада 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган қитъа чемпионатида терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилишаётган эди.

Ана шу мусобақа футбол ишқибозларимизнинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Тажрибали мураббий Виктор Борисов шогирдлари аввалига таиландлик тенгдошларини 4:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Иккинчи учрашувда деярли тенг баҳсда Жанубий Корея футболчилари ватандошларимиздан омадлироқ экани қайд этилди — 0:2.

Гуруҳдаги вазиятга сўнгги тур ойдинлик киритиши лозим эди. Мезбонлар билан баҳсда футболчиларимизни дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Ўйин давомида бизникилар мунтазам равишда олдинда боришди, иккинчи таймда эса стадионга тўпланган мухлисларигина эмас, балки ҳакамлар ҳам қўллаб турган қатарлик ёшлар ҳисобни тенглаштиришга эришишди — 4:4. Бу ҳисоб уларни ҳам кейинги босқичга олиб чиқарди. Аммо... муваффақиятдан руҳланиб, ғалаба тўпини киритиш учун олдинга ташланган қатарликлар яна ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди ва бу имкониятдан маҳрум булишди.

Александр Гейнрих шу куни хет-трикка эришди. Мухлислар ҳар сафар ҳужумчимиз дарвозани ишғол қилгач, футболкаси остидаги майкани кўз-кўз қилганига эътибор беришган бўлса керак.

Очиғи, ўз кучига ишонч, ғалабага бўлган ирода шакллланаётганидан севинмай бўладими?

Чорак финал ҳам ушбу фикрни яна бир бор тасдиқлади. Сурия терма командаси Хитой ва БАА жамоаларини ортда қолдириб, ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган, суриялик ҳужумчи Фараз Ал Хатиб эса уч учрашувда етти гол муаллифига айланиб, кўпчиликни лол қолдирган эди. Бунинг устига бизнинг тўпурар ҳужумчимиз Гейнрих жароҳати тўла тузалмай майдонга тушган эди. Александр ҳатто биринчи таймни ҳам охирига етказа олмай майдонни тарк этишга мажбур бўлди.

Танаффусгача дарвозалар дахлсиз қолди. Кейин фарғоналик футболчилар ўзларини кўрсатишди. 51-дақиқада Нодирбек Қўзибоев терма командамизни олдинга олиб чиқди.

81-дақиқада футболчиларимиз сардори Владимир Аникин 30 метрлар масофадан бажарган жарима тўпини суриялик дарвозабон Мусаб Балҳоуз қайтара олмади.

Мансуржон Саидов ва Илёс Зейтуллаев ҳисобни 4:0 га етказишди. Италиянинг "Ювентус"и фармклуби аъзоси Илёс иккинчи таймда боши шикастланганига қарамай, майдонни тарк этмади.

Чорак финалнинг қолган баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Япония — БАА — 3:0

Жанубий Корея — Ҳиндистон — 7:0

Саудия Арабистони — Хитой — 4:1

Шу натижага кура Ўзбекистон командаси келгуси йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эришишди.

Кеча ярим финалда ёшларимиз японияик тенгдошлари билан, кореяликлар эса Саудия Арабистони футболчилари билан баҳс олиб боришди. Барча тўрт команда келгуси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатида Осиё шарафини ҳимоя қилади.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Уни маҳалла болалари билан чопиб, уларга тўп тепиш сирларини ўргатиб, гоҳо судья, гоҳида тренерлик қилиб юрган ҳолатда кўп учратамиз. Аслида у спорт мутахассиси эмас. Шундай бўлса-да, капкатта одамнинг болалар кетидан чопиб, ҳуштакни оғзидан туширма юриши... Ишқибозлик эканда!

Унинг «иш хонаси» маҳалла кабель студияси бўлиб, маҳалла аҳли барча янгиликларни шу хонадан эшитишади. Маҳалла болалари учун алоҳида футбол соати бор. Маҳалла болалари футбол кўрсатувини томоша қилишгач, маҳалла футбол майдонига ошиқишади...

РУКН Жонкуярларимиз

МАҲАЛЛАМИЗ СУДЬЯСИ



Маҳалла жонкуяри, тинибтинчимас Шавкат Зулфиқоровни қўлида камера ёки фотоускуна билан маҳалла тадбирларини қайд этиб юрган ҳолатда ҳам кўп учратиш мумкин. Хатти-ҳаракати ўзига ярашган, одамларга муомаласи, ҳар бир нарсага қизиқувчанлиги туфайли маҳалладошлари ҳурматига эришган бу одам гоҳида маҳалла тизимини ўрганишга келган чет эллиқларга маҳалла тўғрисида олган лавҳаларини қуйиб-пишиб шарҳлашни ҳам унутмайди. «Уни бежизга Республика «Маҳалла» жамғармаси Раёсати «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони билан мукофотламаган-да» дейишади у ҳақда ҳамкасблари.

Ҳамза туманидаги кўп қаватли уйларни тасарруфига олган Мирза Раҳим номли маҳалланинг ташкил этилишида Шавкат Зулфиқоровнинг ташкилотчилик қобилияти жуда асқотганди. Унинг ўзи шу маҳаллага бир неча йил оқсоқоллик ҳам қилди. Бундан ташқари у айни кунларда ҳам тумандаги Жалол Шаҳбозов, Усмон Носир, Бобоохун Салимов номли маҳаллаларда ҳам ёшларни турли спорт тўгаракларига жалб этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Неъмат ҲАСАНОВ,
доцент.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Андижон шаҳридаги «Ямбол» спорт мажмуида ўсмир болалар ва 55 дан юқори ёшдаги маҳалла полвонлари ўртасида ўзбек кураши бўйича вилоят босқичи мусобақалари кўтаринчи руҳда ўтказилди.

Беллашувда Андижон шаҳри Мустақиллик маҳалласининг (1987-1988 йилларида туғилган) ёш полвонлари биринчи, Хўжаобод, Жалолқудуқ туманларининг Бешқовоқ, Қадоқсин маҳаллалари ёшлари эса 2-3 ўринни қўлга киритдилар.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик, Хурсандлик маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг ўсмир (1989-90 йилларда туғилган) ёшлари ҳам ўз вазнларида ғолиб бўлдилар.

55 дан юқори ёшдаги полвонлар курашида Бўз ва Пахтаобод туманларидан Абдурахмон Исмоилов, Абдуҳамид Қодиров, Иброҳим Мамадалиев, Андижон шаҳридан Саадин Алиевларга тенг келадиган курашчилар топилмади.

Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси А.Солиев ғолибларга Фахрий Ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширди. Маҳалла полвонлари республика мусобақаларида ҳам фаол қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Адаҳамжон ОМОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

РУКН **Аёл журъати...**

РОБИЯ ОПАНИНГ ОРЗУСИ

Илгари «Зарафшон» ширкат хўжалигида раис муовини бўлиб ишлаган Робия Ризаева ярим йилдирки, Боғчакалон қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Йиғинда12 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Одамлар билан тил топишиш осонмас. Раҳбар зиммасида эса масъулият кўп.

Ишни дастлаб қариялар ва ногиронларга ёрдам беришдан бошлаган Робия опа уч нафар оиланинг «Олтин тўйи»ни ўтказишга бошқош бўлди. 100 ёшдан ошган қарияларга совға-саломлар, 35 нафар ногиронлар, қаровчисини йўқотган ва ёлғиз оилаларга моддий кўмак беришни уюштирди. Футбол ва кураш мусобақалари, кўрик танловлар йиғин таркибидаги бешта маҳалла ўртасида тез-тез ўтказиб турилади. Ғолиб маҳаллалар қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилади.

Яқинда ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловида Янги қурилиш маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб чиқиб қимматбаҳо гилам билан тақдирланди. Тадбирларга «Гўзал Маржона» фирмаси ҳомийлик қилмоқда.

- Менинг орзуим маҳаллаларимизни республикадаги энг обод маҳаллалар қаторига қўшишдир, - дейди Робия опа. - Бу борада севимли нашримиз «Mahalla» газетаси билан ҳамкорлик қилишни истардим.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.
Навоий вилояти.

Шарқ Аёли

У ҲАЁСИ БИЛАН ГУЛНИ ХИЖОЛАТ ҚИЛГАН ЭДИ...

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Яқинда танишларимдан бири кенжасини уйлади. Бироқ тўйнинг эртасига куёвнинг қадди букилган, фиғони фалакни қоплаган, келинчакни сира кечира олмас эди, уни тезроқ отасиникига жўнатишни илтижо қилиб сўрарди.

Ота-онасининг: «Янглишгандирсан, болам, сабр қил, калта ўйловлик қилма» деб ялиниб-ёлворишлари ҳам сира тинчитолмасди уни.

Ҳа, қиз ҳаётга, турмушга енгил қаради, шармисорлик либосини кийди. Ойни этак билан ёпиб бўлармиди? У тўйга қадар бир эмас, бир неча йигит билан учрашиб юрганини тан олди.

Ўйлаб, ўйингга етмайсан, киши. Не-не орзулар билан тийинлаб йиғилган пулларни-ку ўрни қачонлардир қопланар. Аммо оила шаънига қолдирилган иснод нима билан ювилади, қачон унутилади?

Айтиш мумкинки, айрим оилалар, айниқса, оналар қизларнинг тарбиясига етарли даражада эътибор бермаяптилар. Оқибатда бу бепарволик, нописандлик оила шаънини ерга уриб, бутун умрга қора доғ бўлиб қолаётир.

Қуйидаги воқеага ўзим гувоҳ бўлганман:

Қўшнимизнинг ёлғиз қизи Сарвиноз шундоққина кўз ўнгимизда улғайди. Кичиклигиданоқ анча эрка, айтганини қилдирадиган тантиқ қиз бўлиб ўсди. Сал жиғига теккан тенгдоши унинг ота-онасидан балога қолар, «бир болага етти маҳалла оталик қилади» деган хаёлда насиҳат берган қари-ю ёшга «ўзингизнинг фарзандингизни терганг», деб писанда қилишарди.

Ҳали мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ошиқлари кўпайди. Бугун уйга бир ажнабий машинада келса, эртасига бошқасида қайтди. Шундоққина ҳовлисининг рўпарасида ёш йигитчалар билан машинада ўтириб узоқ тунларни тонгга улади. «Кир уйга, ярим тун бўлди» пўписа қилгандек бўларди дадаси. «Нима қиласиз ёш боланинг раъйини қайтариб,» дерди ойижониси.

Охири нима бўлди денг? Сарвиноз мактабни битирди, ўқимай, бирор тайинли жойда ишламай кўча-куйда анча санқиди. Бирор совчи эшик қоқмади. Ниҳоят, отаси ўз ёнидан тўй қилиб, ўзи раҳбар бўлган идора қоровулининг ўғлига зўрлаб берди. Тўйдан уч кун ўтгач, қизи тушмагур онажонининг бағрига кўч-куймани билан «доимий меҳмон» бўлиб қайтди. Баҳонани қаранг «Куёв боланинг эркаклиги йўқ», эмиш. Баъзи бир «ривожланган», «европалашган» деб аташаётган шаҳар ёки шаҳарчаларимизда никоҳларга нисбатан олганда ажрим бир неча баробар кўп. Бундан нечанеча диллар вайрон, қанчадан-қанча гўдаклар етим. Шу боис «Меҳрибонлик уйлари»даги болалар сони асло камаймаяпти, аксинча ортиб боряпти.

Юз туман нопок эрдин яхширокдир
Пок аёллар оёғининг изи.

Бу сатрларга асло ва асло эътирозимиз йўқ. Аммо аёл шоир истаганидек беғубор, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва саллам айтганларидек иймонли бўлса агар. Биз бундай аёлларни - онажонларимиз, жуфти ҳалолимиз, опаю сингилларимизни нопок эркакларимиздан устун қўямиз ва улар бунга минг бор арзийдилар.

Шу ўринда барча аёлларимизга ибрат бўларли бир ривоятни келтиришни лозим топдик.

Қадимда ўлимга маҳкум этилганлар орасида бир аёл ҳам бўлган экан. Уларни дор остига олиб кетишаётганда ҳалиги аёл йўлда ип ва нина беришларини сўрабди.

- Нима қиласан ипу нинани? - дейишибди жаллодлар.

- Тиззамнинг ёнидан чоки сўкилибди, шуни чатиб олай, - дебди аёл.

- Ахир сен ҳозир ўласан-ку! - дебди посбонлар.

- Мен аёлман, шармҳаёмни сақлай. Ўлим сари кетаётган бўлсам ҳам, номусим ҳаққи, халойиқ олдига аёлдай чиқишим керак! - дебди аёл.

Изоҳга ҳожат йўқ.

Ҳаё - аёл гултожи. Тарихимизга, қадриятларимизга бир қиё боқинг. Шарқ хотин-қизлари ҳаёсидан гул ҳам хижолат тортганига гувоҳ бўласиз. Сиз ўшаларнинг фарзандлари, давомчиларисиз. Аёллик ғурури, иффати, масъулиятини унутишга ҳаққингиз йўқ, дегим келади ёш қизларимизга.

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

РУКН **Юрт мадҳи**

Азим ака ва Латофат Шариповалар Кармана шаҳридаги Деҳқон маҳалласининг фаол жонкуяр кишиларидан. Улар маҳалладаги барча тадбирларга, тўйу маъракаларга бошқош бўлишади. Маҳалла аҳли уларни маҳалла жонкуяри ва барчага ибратли оила бошлиғи сифатида ҳам жуда ҳурмат қилишади.

Навоий вилояти.

Темур УБАЙДУЛЛО

Менинг маҳаллам

(Давоми,Аввали олдинги сонда)

(Достон)

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Ўйлаб кўрсам, қалбимга эккан,
Айтадиган гапим кўп экан,
Ўзинг танҳо, дона экансан,
Ўзинг ота-она экансан.
Ёмонликдан оҳудек безиб,
Яхшиликни кўрпадек ёзиб,
Меҳр тўла қучоқ экансан,
Эзгуликка булоқ экансан.
Муҳаббатга ошён маҳаллам,
Мурувватга макон маҳаллам,
Айтақолай калом маҳаллам,
Келди йўқлаб илҳом маҳаллам.

II

Яна баҳор, чор-атроф гилам,
Боғлар кўркам, далалар кўркам,
Жонга ором кўклам ҳавоси,
Қушларжоннинг нағма навоси.
Кун санайди ҳар қизу жувон,
Наврўз келар оройи жаҳон,
Гуллаб кетар атроф-теварак,
Қозонларда қайнар сумалак.
Атлас либос, ҳатто сўзгача,
Бу йил Наврўз сепи ўзгача,
Келинчакнинг орзусида у,
Муҳаббатнинг туйғусида у.
Ўйноқ сувлар кўзгусида у,
Жилва қилди мисоли оққув,
Шукуҳлари сарбаланд бўлди,
Наврўз сўзи шакар, қанд бўлди.
Ҳар бир бола қўлида ниҳол,
Уларга бош Вали оқсоқол:
"Яхши ният қилиб экайлик,
Саодатли кунга етайлик.
Шу болалар эккан ҳар терак,
Ўсиб кўкка етмоғи керак,
Яратайлик янги уйларга,
Уйлар тўлсин қутлуғ тўйларга!"
Изҳор этди ниятларин нек,
Омин деди кекса Ҳамдамбек:
"Наврўз билан яхши кун келсин,
Тева билан қоп-қоп ун келсин,
Карвон-карвон бўлсин буғдойлар,
Дуода бўлайлик бобойлар".
Ҳар эшикнинг олдида бугун,
Шамолларда солланиб бугун,
Барг ёзибди эрка ниҳоллар,
Олма, ўрик, терагу толлар.
Тантаналар чиқди авжига,
Шодиёна дамлар мавжида,
Ёндинг ёлқиндек маҳаллам.

III

- Тезроқ чиқинг ўртоқ, бор йўнин,
Ўғлон кетар ҳарбийга бугун,
Йигитчани қўйсак қузатиб,
Кам-кўстини бундоқ тузатиб -
Ота хурсанд, ўғли эр етди
Юрагидан ташвиши кетди:
Худди мендек бўлибди полвон.
Ватан учун кўксидир қалқон
Кумуш тола қоплаб бошини
Она кўздан артар ёшини
Сўзлар эди ўтган кунларни:
- Тонгларга улаганман тунларни,
Шу отаси кетганда жангга,
Ғанимлар келганда Ватанга,
Юрагимни ҳовучлаб ҳар он,
Мужда кутар эдим нигорон.
Қўлим ишда, хаёл фронтда
Гоҳи тушда кўриниб отда.
Бериб кетар эди тасалли,
- Тоқатингга офарин, балли -
Ота сўзни илиб кетади
Хотирани бир-бир титади.
Бугун эса эр етган ўғлон
Ватанига бўлади посбон.
- Замона тинч, бутдир ошу-нон
Ватан бу - жон, Ватан бу - иймон
Шу сўзларни ёдингда сақла,
Маҳалланинг тузини оқла.
Бўлдинг озод Ватан аскари
Озод Ватан - эллар сарвари.
Ҳозир авжи хизмат этар пайт
Ой боргину, ўғлим, омон қайт.
Юрт бир асар, унга битта банд,
Амир Темур юрти Самарқанд,
Бухоро ё Термиз, Насафдан,
Жиззах, Нукус, Урганч тарафдан
Муждаларинг келса, қувониб
Фахр деган туйғуга қониб
Кутажакмиз сени, эй ўғлон! -
Ота қалби мисоли осмон.
Фарзандини дуо айлади
Фарзандини йўлга шайлади.
Бир нўхотнинг ўрни билинар,
Соғинчдан юраклар тилинар,
Бир фарзандинг ўрнидир қанча
Кутажакмиз жуфт йил ўтганча.
Сен Ватаннинг битта парчаси,
Шундоқ дейди инсон барчаси
Сенга бўлган чексиз муҳаббат,
Юрт ишқидан бир қатим фақат.
Яша шундоқ тўкис, беш бўлиб
Озод юртга ҳамдам, эш бўлиб,
Борми сенда армон маҳаллам,
Келажакка карвон маҳаллам,
Бўлгин доим омон маҳаллам.

IV

Ҳар бир уйда бордир келинчак,
Ҳар бир келин мунис бир чечак.
Эрта билан супурилган йўл,
Дуо қилиб деймиз, омон бўл.
Сув сепилар азалий удум.
Шу кўчадан кўп бора ўтдим.
Келин салом берар эгилиб.
Шунда бағрим иплек эшилиб,
Кўрманани қиламан катта.
Яхши ният тилаб албатта:

- Бостан изинг нур бўлсин, қизим.
Қулсанг қулпинг дур бўлсин, қизим.
Қизларинг, ҳа, ҳур бўлсин, қизим.
Ўғилларинг зўр бўлсин, қизим.
Менинг сендек келиним бўлсин,
Ҳовлим файзга, зиёга тўлсин!
Шукр бордир, қўш келин - қизим.
Хонадонга тушган юлдузим.
Қуёш қулгусин бир томчиси у
Авлодимнинг давомчиси у.
Ҳар келинга айтар сўзим бор:
Бахт тилайман сизларга бисёр.
Маҳаллага жону дил бўлинг,
Ҳеч сўлимас атиргул бўлинг!
Фахр этсин сиз-ла маҳаллам
Сийлаб ширин сўзла маҳаллам
Оқибатни узма маҳаллам.
Истиқболни кўзла маҳаллам.

V

Сени севмоқ мерос азалий,
Сен бол, қандим, сенсан асалим.
Келган экан хизматнинг гали,
Сенга бўлсин ширин ғазалим.
Обрўнг асло-асло тушмасин,
Осмонингда зоғлар учмасин.
Омон бўлсин, озод Ватаним,
Ўзбекистон — борлиғим маним.
Маҳалладур қўйнингда бир гул,
Унга меҳрим бошқача буткул.
Бўлмай айро бир он маҳаллам,
Шер маҳаллам, арслон маҳаллам.

VI

Яшнаяпсан кундан-кун тўлиб,
Маҳаллалар ичра ой бўлиб,
Ҳар бир кунинг мисоли достон,
Сира адо бўлмайди ёзсам.
Икки қўлим кўксимга қўйиб,
Назмга солай мен тўйиб-тўйиб.
Эгарланган тойман ҳамиша,
Хизматингга шайман ҳамиша,
Истиқболинг порлоқ маҳаллам,
Ниятлари оппоқ маҳаллам.
Юрт бир узук - сен кўз маҳаллам,
Юрт бир само - юлдуз маҳаллам.

ОХИР

Яхшиликни ёзсам тугамас,
Бўлса ҳамма сўзларим абас.
Бир кун келиб бўласиз гувоҳ,
Маҳалламга берасиз баҳо.
Ҳозир эса хайр, маҳаллам,
Қилдим бағринг сайр маҳаллам.
Жон маҳаллам, жонон маҳаллам,
Яхшиликка ошён маҳаллам!

РУКН **Сиз ўқийдиган китоб**

А.ҲАЙИТМЕТОВ

Одобимиз олами

Мустақиллик даврининг буюк неъматларидан бири шуки, юртимизда динимиз, қадимий миллий анъаналаримиз қайта тикланди. Бизнинг бир неча асрлар давомида яратилган маънавий боликларимиз, биринчи навбатда адабиётимиз исломий қарашлар заминида юзага келган.

Яқинда «Мовороуннаҳр» нашриёти таниқли имом хатибларимиздан бири - Ҳожи Аҳмаджон Бобомуроднинг «Ислом одоби ва ахлоқи» деб номланган китобини ўқувчиларга тақдим этди.

Китобнинг биринчи боби «Илм хусусида» деб аталган. «Аллоҳ таоло кимгаки яхшиликни раво кўрса, уни дин илмини тушунадиган қилади», - деб ёзади муаллиф.

Мазкур китобда диний-исломий тарбия ҳақидаги гаплар тор доирада эмас, балки умуминсоний қадриятлар билан ҳам боғлаб талқин этилган. Китобнинг «Саломлашиш одоби», «Қўл бериб кўришиш одоби», «Мажлисларда ўтириш одоби», «Муомала одоби» каби бобларида бу масалалар ғоят қизиқарли тарзда ёритиб берилган.

Масалан, Пайғамбаримиз кишилар билан бўлган муомалада юмшоқ бўлиш кераклигини улуғлаб, хотинлари - Ойша онамизга: «... юмшоқлик аралашган ҳар бир нарса ҳусндек бўлур...» - деган эканлар.

Ушбу китобнинг айниқса «Аҳилликда яшаш одоби», «Никоҳ тўйи одоби», «Молу мулкни ишлатиш одоби», «Овқатланиш одоби», «Мусибатхона одоби», «Қабристонни зиёрат қилиш одоби» каби қисмларида жамият ҳаётининг, маънавий турмушимизнинг ниҳоятда долзарб масалалари таҳлил этилган.

Китоб замонавий қарашлар ва билимлардан узилиб қолган эмас. Масалан, муаллиф келин-куёвлик одоби тўғрисида гап борганда турмуш қуриш учун ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари шарт эканини тўла қўллаб-қувватлаганлар. «Ваъдага вафо қилиш ва сир сақлаш одоби» қисмида эса ваъдага вафо қилиш фақат Исломда эмас, бошқа динларда ҳам қўллаб-қувватлангани яхши қайд этилган ва Аллоҳ яратган барча динларда бу масалалар талқинида бир-бирига яқинлик борлиги кўрсатилган. «Маст қилувчи ичимликлар ҳақида» деган бобда ичкиликбозлик фақат Исломда эмас, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам қоралангани айтилган.

Шу билан бирга айрим масалалар талқинида ғоят нозик лирик таъриф ва тавсифлар, изоҳлар ҳам йўқ эмас. Масалан, китобнинг 63-саҳифаси («Куёвнинг вазифалари» боби)да эрнинг хотинга муомаласи қандай бўлиши ҳақида қуйидаги гўзал сатрларни ўқишимиз мумкин:

Куёв «Аллоҳ таолонинг «Хотинларингиз билан яхши муомалада бўлинг» ояти калимасини унутмаслиги зарур. Расулиллоҳ САВ: «Мўмин киши ўз хотинида бирон нохуш феъл ёки одатни кўрса, дарров жаҳли чиқмасин. Унинг бошқа маъқул хулқлари ҳам борки, шуларни эсдан чиқармасин», - деганлар. Яна бир ҳадисда: «Куёв келиннинг юзига табассум билан қараса, - ўн савоб, агар уни эркалаб ўпса - йигирма савоб, қучоқласа - ўттиз савоб, бирга бўлса - уч юз савоб берилади», - дейилган!

Хуллас, китоб қизиқарли услубда, билимдонлик билан ёзилган. Унда бири-биридан муҳим, ҳаётий, ҳар оилага дахлдор масалаларнинг чуқур диний-илмий таҳлили китобхон билан самимий суҳбат тарзида баён қилинган. Лекин бу деганимиз мазкур асарда баҳсли фикрлар, айрим ғализроқ жумлалар, баъзи сўзларнинг ёзилишида хато ва мунозарали ўринлар ҳам йўқ деган гап эмас.

Масалан, китобнинг 7-саҳифасида: «Аллоҳ таоло «Тоҳо» сурасининг 114-оятида Пайғамбаримизга: «Эй, Раббим, менга илмни зиёда қилгин!» - деб буюради», - деган жумла бор. «Қуръон»да чиндан ҳам шундай жумла бор. Лекин унда «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин!» деган бу гап Аллоҳ томонидан айтилган бўлиб катта жумланинг бир қисми. Бу ерда гап узиб олингани учун Аллоҳ гўё Пайғамбарга «Парвардигорим!» деб хитоб қилаётгандай чиқиб қолган. Буни билиб олиш учун бу жумлани тўлиқ келтирамиз.

(Эй Муҳаммад), Сизга (Қуръон) ваҳийси битишидан илгари қироат қилишга шошманг (балки фаришта Жаброил Аллоҳ томонидан келтирган оятни тўла ўқиб бўлганидан кейингина қироат қилинг) ва айтинг: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин». (Алоуддин Мансур таржимаси ва изоҳидан, 227-саҳ).

Китоб муаллифи ушбу оятга суяниб: «Ҳақиқий илм шундай бир илмки, у Аллоҳдан кўркиш ҳиссини пайдо этади», - деб ёзади. (Ўша китоб, 7-саҳ). Бизнингча, «Қуръон»нинг илмийлиги ва улуғворлиги шундаки, у ҳар бир масала талқинида, - хоҳ оламнинг қандай яратилиши масаласида бўлсин, хоҳ инсон муаммосида бўлсин - бандасини аввал рад этиб бўлмайдиган далиллар билан ишонтиради. Жоҳил бандаларини кўркитиш эса иккинчи масаладир.

«Меҳмондўстлик»ни муаллиф «исломий одатларимиздан бири» деб таърифлайди. Бизнингча, меҳмондўстлик халқимизнинг энг азалий одатларидан бири бўлиб, Ислом бунга янгидан равнақ берган.

58-бетда «Қайси виждонсиз эркак хотин-қизларини даврага соларкин?» - деган жумла бор. Ҳозирги тўйларни, бошқа байрамларни ўйин-кулгусиз тасаввур этиш қийин. Бинобарин, улардаги хурсандчиликларни бу даражада салбий баҳолаш ўринлими? Балки бу тадбирларда шарм, ҳаё, кийиниш одобини сақлаш борасидаги мулоҳазалар зарурдир.

Умуман, мен Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод домлани ушбу китоби нашрдан чиққани билан табриклайман. Бу асари билан домла катта савоб ишни амалга оширган. Имоним комилки, бу китоб мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонга кириб боради ва халқимизнинг маънавий камол топишига фаол хизмат қилади.

РУКН **Дилда бўлса, тилда бўлади**

«ЧОРРАҲА» дейиш олифталикми?

...Йўналишли таксида кетмоқдамиз. Орқа ўриндиқда ўтирган ўрта ёшлардаги одам «Чорраҳага етмай тўхтаб кетинг!» деди. Ҳайдовчи тўхтатмасдан кетаверди. Йўловчи илтимосини баландроқ овозда қайтарди. Бунгача чорраҳадан анча узоқлашдик.

Йўловчи туша туриб ҳайдовчига норози оҳангда «Айтилган жойда тўхтамайсизми, ука!» деди. «Ўзингиз ҳам тушунарли қилиб «перекресткада» демайсизми. Мен гапингизга тушунмадим-да, ака» дея жавоб қайтарди ҳайдовчи.

Йўловчи жавоб қилмади, эшикни қарсиллатиб ёпдию кетди. Ҳайдовчи қолган йўловчиларга юзланди:

- «Чорраҳа» деб олифтагарчилик қилишнинг нима кераги бор, тўғрими?

«Тўғри» дегувчилар бўлмади. Лекин «Йўқ, сиз ноҳақсиз, ўша одам росмана ўзбекча гапирди, сиздек жамоат транспортида хизмат кўрсатадиган киши «Чорраҳа» сўзига тушунмаса, мана бу уят!» дегувчи ҳам топилмади. Ёнимда ўтирган ўн ёшлардаги қизалоқ бу гаплардан сўнг онасидан сўради: «Чорраҳа» нима дегани, ойи?» Тўғрида, транспорт хизмати ходими тушунмай турганда, бу қизалоқ қайдан билсин «чорраҳа»нинг маъносини. Ўзим ҳам балки бировга йўл кўрсата туриб, «перекресткадан ўнгга» ёки «...чапга буриласиз» қабилида кўп марта сўзлаган чиқарман, дея ўйладим.

Бугунги кунда ёшларимизнинг чет тилларини, айниқса инглиз тилини ўзлаштиришга иштиёқи баланд, ўқув масканларида бу фанга эътибор ҳам кучли, баъзи ота-оналар маблағ сарфлаб фарзандларини шу тилга ўргатмоқдалар. Кўпларнинг назарида инглиз тилини билсанг бас, бошқа ҳеч нарсани билмасдан туриб ҳам зўр одам бўлиш мумкин.

Бунинг натижаси ҳам сезилиб қолди: бугунги кунга келиб айрим ўқувчи ва талабалар учта тилни аралаштириб сўзламоқдалар: «Дневнигингни бериб тур, плиз!», ёки «О-кей, эртага я тоже приду» ва ҳоказо. Бордию, улардан ўз фикрини ёки бирон воқеани ўша рус ёки инглиз тилидан фақат биттасида изҳор этишини сўрасак-чи? Уч-тўрт жумладан кейин албатта бошқа тилдаги «ёрдамчи сўз» ўртага суқулади! Нима учундир ёшларимиз она тилига ажнабий тилни қўшиб гапириш замонавийлик, ёки илғорлик белгиси деб тушунадилар. Илғорлик ва замонавийлик эса аслида она тилни мукаммал билиш ва софлигича ишлатиш, эҳтиёж туғилганда ажнабий тилда ҳам бехато сўзлаша олишни тақозо этишини улар ёки англамайдилар, ёки...

Нега русча қўшиб сўзлайсиз, деган саволга ҳаммамизга дастак бўладиган бир баҳона бор: «Ўрганиб қолганмиз-да...» Ўрганиб қолмаслик керак! Тўғрироғи, ўрганиш керак - ўзбек суҳбатдош билан соф ўзбекча гапиришни! Яқинда юртимизда вақтинча яшаётган ҳинд йигити бир телекўрсатувда соф ўзбек тилида равон сўзлашди. Ўзбек тилида равон ва хатосиз сўзлашадиган бу ажнабий йигит бизнинг ўз она тилимизда сўзлашишимизни кузатиб қандай фикрга келаяпти экан?

Мавлуда ҚОСИМОВА

КИЙИБ БЎЛМАС ПОЙАФЗАЛУ...

Севимли фильмимизда бир нуроний қаҳрамон бор. Ўша нуроний онаҳон бирон техника янгилигиними, янги ихтиро қилинган жиҳозними кўрса «Вой, тиниб-тинчимаган одамлар-эй, нималарни ўйлаб топишмайдия» деб қўяди...

Дарҳақиқат, одамзод тиниб-тинчимайди. Мана масалан, Филиппин пойтахти Манила шаҳрида яшовчи бир гуруҳ этикдўзларни «тиниб-тинчимаган»лар сирасига қўшиш мумкин. Улар эринмасдан узунлиги нақд беш метр келадиган бир жуфт оёқ кийимни ясаб, шаҳардаги «Пойафзаллар музейи»га тақдим этибдилар. Уларнинг етмиш етти кунлик меҳнатлари маҳсулоти бўлган бу улкан оёқ кийимини тикиш учун 96 квадрат метр чарм, 7,4 квадрат метр тагчарм ва 225 кило елим ва 1000 метр махсус ип сарфланибди. Усталар улкан туфлини ҳозир урф бўлган бичимда тикканлар. Лекин бу ажабтовур оёқ кийимни ким ҳам кия оларди? Бордию, курраи заминда туфлига «лойиқ» бўйи 37 ярим метрлик киши топилса, усталар унга бу туфлини текинга, совға тариқасида беришмоқчи эмиш.

...ЎТИРИБ БЎЛМАС СТУЛЛАР...

Буни қарангки, дунёда «тиниб-тинчимаган»лар ҳам кўп экан-да.

Яқинда Белоруссия давлат санъат академияси музейида ажойиб жиҳозлар намойишга қўйилди. Оз эмас, кўп эмас юзта қадимий мумтоз усулда ясалган стулларни кўргани дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга минглаб одамлар ташриф буюрдилар. Энг муҳими, бу стуллар жуда жажжи бўлиб, улар аслидагидан олти баробар қичрайтириб ясалган. Қадимда зодагонлар қандай стулларда ўтиришганини кўришдан ташқари, жажжи стулларни ясаган усталарнинг шаънига тасанно айтиш иштиёқи кўпчиликни бу ерга етакламоқда, чамаси.

БИТТА БОШ ЯХШИ, ИККИТАСИ ЯНАДА ЯХШИ!

Одамларга завқи келибми, ишқилиб табиат ҳам гоҳида турли ажойиботларни бизга рўбарў қилиб туради.



Суратдаги икки бошли илон ҳали жуда ёш, у яқинда Ўртаер денгизидаги Пальма де Мальорка оролида дунёга келди. Ерлик аҳолининг таъкидлашича, икки бошли илоннинг туғилиши яхшилик аломати эмиш.

ТАБАССУМДА «ТАБАССУМ»

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Табассум маҳалласида Ўзбекистон радиоси «Табассум» ижодкорлари иштирокида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар хил расмий ишлару, жиддий ташвишлардан ҳоли хушчақчақ, қувноқ, чеҳраларга гулгунлик улашгувчи бу учрашув «Табассум устахонасидан гапирамиз!» эшиттириши учун ҳақиқий, жонли, фон билан ёзиб олинди.

Маҳалла фуқаролар йиғини идораси маънавият ва маърифат хонаси санъаткорлар ва маҳалла аҳлининг завқли қаҳ-қаҳаларига тўлди.

Маҳалла инсонлари ўзларининг севимли эшиттиришлари ижодкорлари: режиссёр Аҳмаджон Рўзиев, Ўзбекистон халқ артистлари Ҳусан Шарипов ва Марям Ихтиёрова, қўшиқчи-қизиқчи Шерқўзи Ғозиев, «Шерхон» гуруҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов санъатидан баҳраманд бўлдилар.

Аслида, бундай ишларнинг жонкуяри ёшлик куч-ғайрати-ю, шижоатини, бутун меҳрини Табассум устахонасига бериб, у ерда узоқ йиллар меҳнат қилган, бугунги кунда Ўзбекистон телевидениесида ишлаш билан биргаликда, Табассум маҳалласида фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаётган Тўлан Қўзибоевдир.

Тадбирни ташкиллаштиришда маҳалла фаолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Замоной АКБАРОВА

РУКН **Мозийдан садолар**

Ибн БОТТУТА ким?

У Ўрта Осиёни қандай ўрганган?

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

Ибн Боттута Хитой бўйлаб саёҳатини давом эттирар экан, у ерларда анчагина гўзал нарсалар бўлишига қарамай, бу мамлакат унга ёқмаганини ҳам қайд этади.

«Мен у ерда ўзимда пайдо бўлган кучли умидсизликдан ғамнок эдим. У ерда бирорта диндошларни учратсам худди ўз оила аъзоларимдан бирини ёки қариндошимни учратгандай қувониб кетардим», - деб бунгача ўзида ҳеч қачон ҳис этмаган мусофирчиликни энди қалбан туюб алоҳида ёзади Ибн Боттута.

Сайёҳ албатта Хитойда мусулмонларни ҳам учратганини ёзади. Бироқ бу мусулмонларнинг тили хитойча бўлиб, у бу тилларни билмасди. Бу ҳол ҳам унинг умидини пучга чиқарган.

Тарихий манбаларга қараганда, Ибн Боттута қаламга олган мазкур мусулмонлар VII асрнинг биринчи чораклари Муҳаммад пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳали ҳаёт вақтларида 628 йили ўзининг яқин сафдоши ва амакиси Воҳоб ибн Абу Кабшоҳ бошчилигида беш ярим минг кишидан иборат гуруҳни Хитойга йўналтирган. Баъзи ривоятларга ишонадиган бўлсак, пайғамбарнинг амакиси ўша даврдаги Хитой пойтахти Чанъанга етиб борган. Бироқ, Хитой императорлиги мусулмонларнинг Хитойга шахсан ташриф буюришларининг сабабини сўраб-суриштирмай, уларни душман ҳисоблаб куч ишлатишга қарор қилганлар. Аммо, Оллоҳнинг марҳамат қилиб: «Мен мўминларга нусрат ато этдим» деган ояти каримасига биноан икки ўртада бўлиб ўтган қисқа ва шиддатли жангда мусулмон кучларига нисбатан ўн баробар кўп бўлган Хитой қўшинларининг сараланган отлиқ ва пиёда авангарди тамомила тор-мор келтирилгач, Хитой императорлиги томонидан олиб борилган музокарали келишувга кўра, хитойликлар мусулмонларнинг талабларига ён босишга мажбур бўлганлар ва Гуанчжоу шаҳрида масжид, мадраса, карвонсарой ҳамда яна бир қанча иншоотларнинг қурилишига розилик берилган экан. Шундай қилиб биринчи масжид ва ислом дини ақидаларига мос ва хос бўлган қатор иншоотлар ўша даврлардаёқ бунёд этилган эмиш. У ерда ислом динини қабул қилган бир қисм хитойликлар ўзларини «дунгонлар» деб аташган. Бу сўз хитойчада «Оллоҳнинг мўминлари» деган маънони англатар эмиш. Умуман, Ибн Боттута дунёнинг энг чекка сарҳади бўлмиш Хитойда ҳам бўлгач, энди у ердан унинг бошқа бориб кўрадиган шаҳарлари жуда ҳам оз қолган эди. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, унда бундан буён ўз она ватанига қайтиш иштиёқи кўпроқ туғён ура бошлаган эди, десак айни ҳақиқатга тўғри келади.

Ибн Боттута ўзининг узлуксиз ва давомли саёҳатларида шахсан унинг ўзи ёзганларига кўра, беҳисоб бойликларга эга бўлган. Унинг биринчи босқичдаги бу бойлигини сўнгги Хитойга сафари даврида қароқчилар томонидан бор буди-шудигача олдириб, якка ўзи яширинишга ва шу билан муқаррар ўлимдан унга кўмакка етиб келган яхши одамлар томонидан омон қолишга муяссар бўлган. Иккинчи марта ҳам шундай бойликка эга бўлган, уларни ҳам юқоридагидай ҳолда олдириб қўйган. Учинчи бор бойликка эга бўлганидагина эсон-омон ўз ватани Танжирга қайтиб келган. У қадрдон юртига кириб келганда қарангки, отасининг рихлат этганига бир ой, онасининг ўғил билан кўришолмай ёруғ дунё билан видолашганига ўн беш кун бўлган экан. Сайёҳ бу шум хабарларни ҳар қанча оғир бўлмасин, мардона туриб қарши олишга мажбур бўлган.

Ўз замонасининг бу толмас сайёҳи саёҳатларини дастлаб араб ўлкаларидан бошлаб, Мисрга борганда ўзи кўрган бир тушини ўша ерлик бир олимга айтиб берганда олим тушнинг таъбирини ўгириб, унинг келажакда машҳур сайёҳ бўлишлигини ва лекин саёҳати давомида бошидан кўп машаққатли ҳамда хатарли воқеаларни кечиришга ҳам тўғри келишлигини, аммо омон қолиб, охирида ватанига келишлигини башорат қилиб айтган экан. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиққан.

Дарҳақиқат ҳам ҳаёт давом этар экан, у инсоният ҳаётида айрим ҳолларда бирор буюк воқеаларга дахлдор бўлишлиги мутлақо йўқ гап эмаслиги исботга ҳожат қолдирмаслигини кўплаб инсонлар мисолида кўриш мумкин. Ибн Боттута ҳаётида ҳам худди шундай бўлган десак хато қилмаган бўламиз.

Саёҳатга отланганда Ибн Боттута йигирма ёшлардаги ёш йигит бўлган бўлса, 1354 йил ўрталарида эллик ёшларга бориб қолган салобатли, салоҳиятли, ғоятда билимдон, маълум-машҳур бир ҳақиқий олим сифатида юртига - қариндошлари бағрига кириб келган ва қолган умрини ўз ватанида илмий-ижодий ишларга бахшида этиб яшаган. Унинг буюк сайёҳ ва олим эканлиги нафақат бизнинг даврлардагина эмас, балки сайёҳнинг ҳали ўзи ҳаётлик чоғларида ва ундан кейинги қатор даврларда ҳам эътироф этилиб келинганлиги манбаларда қайд этилади. У 1377 йили 73 ёшида оламдан кўз юмган.

Мана, неча асрлар ўтса-да, ҳануз унинг дунё миқёсидаги «Саёҳати Ибн Боттута» номли нодир асари ўзининг ҳеч бир қийматини йўқотмаган ҳолда доимо инсонларни, илм-фан соҳибларини чексиз бахраманд этиб келмоқда.

Бизда бу асар ҳозиргача ўзбек тилига афсуски, тўлиқ ўгирилмаган. У араб тилида ёзилган ҳолича қолиб келмоқда. Магар таржима этилса баайни мақсадга мувофиқ хайрли ва савоб ишга қўл урилган бўлур эди деб ўйлаймиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Меҳнатроҳат маҳалласининг чойхонасида яйраб ўтирган қарияларга қараб «Умр кузининг ҳам неъматлари кўп »эканлигига яна бир бор ишонасиз !

Сурат муаллифи О. ПИРИЕВ

РУКН

МУҲРДОР ШИКОЯТЧИЛАР

Таҳририятимизга келаётган хатлардан, ҳатто шикоятли номалардан ҳам беҳад хурсанд бўламиз. Йўқ, юртимизнинг қайсидир гўшасида ўз ечимини кутаётган муаммо борлигидан эмас, умуман, фуқароларимизнинг бизга мурожаат этиб, шу муаммога бефарқ қарамаётганларидан албатта.

Лекин, муассис ташкилотимизга келган қуйидаги икки мактуб билан танишгач, анчайин таажжубда қолдик. Мактубларнинг бири Тошкент вилояти Зангиота тумани Туркистон номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Дўстлик маҳалласидан, иккинчиси эса Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Сарой маҳалласидан келган. Биринчи мактубда жумладан шундай сўзлар битилган:»...маҳалламизда бир йилдан бери сув уч кун келса, уч кун келмайди. Ҳозирги кунда бир ойдан бери бир томчи сув йўқ. Ариқлардан оқаётган ифлос сувлар ичмоқдамиз, болаларимиз касалланмоқда...» Ҳатто ёзишларича, ариқларда ўлган моллар оқар эмиш.

Аввало, муаммо хусусида. Ичимлик суви тақчиллиги жиддий муаммо, албатта. Ушбу мактубни битувчи фуқаролар бу муаммо юзасидан туман ва вилоят ҳокимликларига, сув хўжалиги мутасаддиларига мурожаат қилганларини, улар эса бу муаммони ҳал қилиб бермаётганликларини таъкидлайдилар. Шунда бир ўй хаёлимиздан кечди: «Бу ўринда оқсоқол, фаоллар ўз имкониятлари даражасида нима иш қиляпти экан?» Ҳарҳолда хатда ёзилишича, оқсоқол анча «фаол» экан, чунки мактуб «...Дўстлик маҳалласи раисининг бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмади. Халқ тўлиб кетди, аёлларимиз юқори идораларга бормоқчи. Биз ҳозирча уларни тўхтатиб турибмиз...» деган сўзлар билан якунланган.

Раиснинг қайси эшикларга киргани бизга номаълум. Аммо ҳеч бўлмаса аҳоли билан унинг ариқларда ўлик молларнинг оқишини олдини олишга қурби етар эди...

Ушбу мактубнинг яна бир ажабланарли жиҳати шу эдики, минг киши номидан деб ёзилган бу шикоятда олтита кишининг имзоси бор холос, имзо чекувчиларнинг на исми шарифи, на яшаш манзили кўрсатилган. Устига-устак, олтита имзо ёнида маҳалланинг муҳри босилган!

Аслида шикоят мактубига муҳр босишнинг ҳожати йўқ, у муҳрсиз ҳам мурожаатнома сифатида кучга эга. Муҳр эса йиғинга тегишли ва йиғин номидан бўлган ҳужжатларни ҳақиқийлигини тасдиқлаш учунку. Қолаверса, оқсоқол муҳр босаётганида мактубнинг мазмуни билан танишганмикан, ёки...

Мактубнинг туман, вилоят ҳокимияти ва бошқа идораларни беоқибат қилиб, уни оқибатли қилиб эътироф этилганига маҳлиё бўлиб муҳрни босаверганмикан у киши?! Кўриниб турибдики, бу каби масъулиятсиз, мактубга ўйламасдан муҳр босилиши, бу идора муҳрдорининг оқсоқолликка енгил-елпи қарашини билдиради. Йўқса, маҳалладаги бу камчиликларда ўзининг ҳам жавобгар эканлигини сезган бўлар эди.

Иккинчи - Сарой маҳалласидан келган мактубда нафақат муҳр, ҳатто штамп ҳам мавжуд. Мактуб муаллифи (вазифаси ёзилмаган, балки маҳалла оқсоқолидир) А.Тўраев. Муаллифнинг мактубни муҳру штамп билан «безаклаш»ига нима сабаб бўлганини англаш қийин, балки у киши мактубим эътиборсиз қолмасин, деган ўйда шундай қилгандир. Лекин бу мактуб албатта, бизнинг эътиборимизни штамп ва муҳрсиз ҳам тортган бўларди, чунки унинг мазмуни қуйидагича: «Сарой фуқаролар йиғини яқинда ташкил топган. Бизда «посбон» ва «педагог-тарбиячи» деган штатлар мавжуд, аммо биринчидан, уларга аниқ низомлар мавжуд эмас, иккинчидан участка нозирлари уларни ҳамиша ўзлари билан бирга ишлашга мажбур этишмоқда. Аслида, улар маҳалла учун берилган ёрдам кучлари эмасми?»

Ана холос! Оқсоқолнинг ушбу эътирозларини изоҳлашга ҳожат бормикан? Шу ўринда Сарой маҳалласига газетамиз етиб бормайди, ёки у ерда газетага умуман обуна бўлмаганлар, деган хулосага келдик. Акс ҳолда, муаллиф яқиндагина газетада эълон қилинган педагог-тарбиячиларнинг фаолиятини белгиловчи Низомдан, бу ҳақдаги таҳлилий мақолалардан хабардор бўларди-да!?

Бу ўринда ҳақли савол туғилади: оқсоқол дегани қандай ҳужжатга муҳр зарурлигини, муҳр босилган ҳужжат учун жавобгарлик масъулияти йиғиннинг зиммасида бўлишини бошқалардан кўра кўпроқ англаши лозим эмасми?!

ТАҲРИРИЯТ

МУҲАББАТ ТАЪБИРИ

КУЙ (21.03-21.04)
Об-ҳаводек тез ўзгарувчан феълингиз туфайли бироз ноқулай вазиятда қолишингиз мумкин. Ҳарҳолда, ҳиссиётларга эрк бермасангиз яхши бўлади.

СИГИР(22.0420.05)
Ким билан маслаҳатлашманг, айни дамда сизга асқотадиган маслаҳат эшитмайсиз. Шунинг учун ўз билганингиздан қолманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Кузнинг сокин кунлари негадир сизга тескари таъсир қилмоқда - сиз шу кунларда жуда таъсирчан, қизиққонсиз. Фаслга мослашишга ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда ғайрат-шижоатингизнинг чеки йўқ. Атрофдагилар буни ўзларича баҳолашлари мумкин. Шундай бўлса-да, кўпчиликнинг ҳурматига сазоворсиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Сиз ўз қувватингизни кераксиз нарсаларга сарфламоқдасиз. Унутманг, олдинда қишнинг суронли кунлари бор, соғлиғингиз ҳақида қайғуринг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Арзимаган кўнгилсизликдан дилингиз ғаш. Ишонинг, бу ҳолат барча юмушларни ўз холига ташлаб қўйишингиз учун сабаб бўлолмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Бордию, кўпчилик қатори айни кунлардаги носозроқ об-ҳаво таъсирида тумов бўлмаган бўлсангиз, яхши. Аксинча бўлса, кунларингиз муолажада ўтади.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Оила даврасида, яқинлар қуршовида нишонланган тантана сизга бир ҳафтага етадиган юқори кайфият бағишлайди. Майда-чуйдаларга беэътибор бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Келаси чоршанбагача сизга жуда фойдали тижорат таклифи билан мурожаат қиладилар. Шошилманг, ундан-да ажойиб таклиф бўлиши эҳтимоли бор!

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Кимда-ким сизга сафарда ҳамроҳ бўлишни таклиф этса, рад этманг. Айни кунларда «ҳаво алмаштириб келиш» сизга жуда зарур.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Харид бобида ўзингизга етадиган йўқ, деб ҳисобласангизда, навбатдаги харидингизни яқин одамингиз билан маслаҳатлашгачгина амалга оширинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Келаси чоршанбагача кўп вақтингизни болалар тарбияси билан боғлиқ муаммоларга сарфлашингизга тўғри келади. Умуман олганда бу ҳам кўнгилли ташвиш.

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Азиз муштарий!
Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!

Таҳририят

Мулоқот учун телефон: (8-3712) 136-53-93

СКАНВОРД+

-Сиз, доимо яхши, кўнглингизга қувонч бахш этадиган нарсалар ҳақида ўйланг,-деди дўхтир ҳасадгўй беморга: -Акс ҳолда депрессия ҳолатидан ҳеч қачон қутулмайсиз.Ўйлаб кўринг, ҳаётингизда бирор - бир қувончли воқеа юз берганми?

-Эсладим, дўхтиржон, бўлган.

-Кечагина қўшним янги машинасини симёғочга уриб олди.

Ишқий сатрлар

Сен кетдинг ой жамолим,
Мен қолдим ишқ маконда
Сўлиди ишқ камолим,
Мен ғамда, сен арконда.

Қутаман кечалар зор,
Йиғлайди зор-интизор.
Изламам ўзга дилдор,
Келақол энди Баҳор.

***

Сени яна қутаман майли,
Ошиқ кўзи тўксин ёшини.
Бошланар деб муҳаббат сайли,
Қурбон бергум яна бардошим.

Ишқ бобида кўрмадим мангу,
Мангулиги - ишқий айрилиқ.
Биздан қолгай армону қайғу,
Навбат кутар энди қайрилиқ.

Бардошимга тилайман толе,
Энди бизни қолдирсин холи.

Юсуф ИТОЕВ

Х.СОДИҚОВ чизган.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси Баҳодир Бобожоновга акаси

Озод БОБОЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

MAHALLA

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), **Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.**

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ

Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-926 **Топширилди** – 22-20